

## АМНИСТИЯ АКТИ ТУШУНЧАСИ ҲАМДА УНИНГ АФВ ЭТИШДАН ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ ТАДҚИҚИ

*Думаев Файзуллохон Суванханович<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Амнистиянинг нотўғри қўлланилиши шахс ва жамият учун оғир оқибатларни юзага келтириши мумкин. Мазкур институтни етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги амнистия тўғрисидаги актнинг амалда қўлланилишида турли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мақолада амнистия акти тушунчаси, унинг афв этишдан фарқли жиҳатлари хусусида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** амнистия акти тушунчаси, афв этиш, жиноят, институт, қонун, ҳуқуқий тартиб, категория, ҳукм, жазо, сиёсат, шахс

Амнистия ва афв этиш жиноят профессуал қонунчилигида баҳсларга сабаб бўладиган институтлардан саналади.<sup>2</sup>

Амнистия ва афв турли категориялардир. Баъзи олимлар амнистия ва афв категорияларининг ўртасидаги асосий фарқни уларнинг норматив характери билан боғлашади<sup>3</sup>.

А.М.Балафендиев, К.Мирзаджановлар эса амнистия норматив ҳужжатларга асосан давлат томонидан қўлланилган ташкилий чора-тадбирлар деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Амнистия тўғрисидаги актларнинг қўлланилиши жинойи суд иш юритуви мақсадларига мувофиқдир.<sup>5</sup>

Ҳуқуқшунос олим Қ.Мирзажоновнинг фикрича, афв этиш ва амнистия инсонлар келгусида жиноятни содир этишдан бош тортиши, пушаймон бўлиши, иложи борица жинойи фаолиятнинг салбий оқибатларини йўқотишга, шунингдек қонун ва жамиятни ҳурмат қилиш йўлига ўтишига олиб келадиган ҳулққа таъсир этиш воситаси сифатида қаралади.<sup>6</sup>

С.В. Авдеев амнистияни қўллаш бу ҳукуматнинг олий органи ваколати ҳисобланиши, амнистия у қабул қилинганига қадар муайян шахслар содир этган жиноятлари учун жиноят қонунчилиги муносабати, уни қўллаш орқали давлат муайян жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жинойи таъқибни бекор қилиб, жинойи жазодан озод қилиш деб ҳисоблайди<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Андижон давлат чет тиллари институти, Ишлар бошқармаси бошлиғи

<sup>2</sup> <https://www.penalreform.org/blog>.

<sup>3</sup> Азимова Г.А. Ишмухаметов Я.М. Юридическая природа амнистии и помилования. Их место и структура в Российского права. Экономика и социум. №12 (31) 2016.

<sup>4</sup> Балафендиев А.М. Социально-правовое назначение института амнистии. Вестник экономики, права и социологии, 2012, № 1, Право. <http://vestnykeps.ru/0112/38.pdf>.

<sup>5</sup> Миразов Д.М. Обеспечение и защита конституционных прав личности при воспроизведении обстановки совершения преступления//Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференция материаллари (2002 йил 14 ноябрь). –Т., 2003.– С.215.

<sup>6</sup> Мирзажонов К. Амнистия, помилование и уголовно-правовая политика Республики Узбекистан. –Т.: Изд. “Адолат”. 2015.

<sup>7</sup> Авдеев С.В. Правая природа акта об амнистии. Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия “Право” 2017 № 1-2 (19).



Худди шунга ўхшаш фикрлар ҳуқуқшунос Ш.Гайберидиев томонидан ҳам илгари сурилади. У амнистия ва афв ўртасидаги фарқни қуйидаги мезонлар таснифлайди:

Биринчидан, афв – бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади. Амнистия – аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади.

Иккинчидан, афв – фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. Амнистия – жиноят процессининг исталган босқичида – дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки, жиноят ишини қўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади. Амнистия акти – Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлиснинг Сенати томонидан эълон қилинади.

Тўртинчидан, амнистия актларини қўллаш масаласи – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб, амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган. Афвни қўллаш масаласини – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Бешинчидан, амнистия акти чиққандан кейин, уни кимларга қўллаш масалани ҳал қилиш узокқа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. Афвни қўллаш эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас<sup>8</sup>.

Амнистия тушунчасини изоҳлашда турли олимлар турли хил тушунчаларни баён қилишган.

Амнистия (юнонча ἀμνηστία - унутиш, кечириш деган маънони англатади) - жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат органининг қарори билан қўлланиладиган, моҳиятан жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жазони енгилроқ билан алмаштириш ёки жиноий таъқибни тугатишни билдиради.<sup>9</sup>

Амнистия - маълум бир тоифадаги шахсларни суд жазосидан қисман ёки тўлиқ озод қилиш, олий ҳокимият томонидан ишлаб чиқарилган актдир.<sup>10</sup>

Амнистия - бу инсонпарварлик ва раҳм-шафқат тамойилини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган, шахсларнинг маълум доираси қўлланиладиган ва жиноий жазодан озод қилишни назарда тутувчи актдир.<sup>11</sup>

Амнистия тушунчаси: а) амнистия эълон қилинганидан олдин содир этилган жиноятга нисбатан келгусида жиноий таъқиб қилишни тақиқлашга ва айрим ҳолларда маълум бир шахслар ёки шахслар тоифаларига нисбатан фуқаролик процессининг таъқиқларига олиб келадиган қонуний чораларни назарда тутса; б) олдин белгиланган жиноий жавобгарлик бекор бўлишини англатади.<sup>12</sup>

<sup>8</sup> Гайберидиев Ш. Мустақиллик ва афв. Афвнинг амнистиядан фарқли жиҳатлари. 2018. <http://sud.uz/mustaqillik>.

<sup>9</sup> Додонов В. Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть / под общ. ред. С. П. Щербы. — М.: Юрлитинформ, 2009. — С. 401. — 448 с.

<sup>10</sup> Мокина М.Н. Амнистия. «Молодой учёный». № 6 (86). Март, 2015 г. С. 499-500

<sup>11</sup> Закон Кыргызской Республики. Об основах амнистии и порядке ее применения. от 20 января 2017 года № 7. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111514>.

<sup>12</sup> Механизмы обеспечения верховенства права для постконфликтных государств Амнистии. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк и Женева, 2009 год. С.43.



**Юқоридагиларга асосланиб фикримизча, амнистия акти - жиноят содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришдир.**

Амнистия актини қабул қилишдан кўзда тутилган мақсад – бу энг аввало давлат ва жамиятда инсонпарварлик тамойили ифодасини амалга оширишдан иборатдир.

Амалдаги ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, белгилаб кўйилган.

Юқорида зикр этилган ғоялар маълум бир турдаги ғайриқонуний қилмиш содир этган шахсларнинг ўз кадр-қимматини билиш ва бундан кейин ғайриқонуний ҳаракатлар содир этмаслиги учун ўзини-ўзи назорат қилиши каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Н.В.Осмоловскаянинг амнистия жиноий сиёсатни реализация қилиш деган фикрига қўшилиш мумкин.<sup>13</sup> Амнистия ёрдамида давлат ҳар қандай ҳолатда мамлакатда юз бераётган вазиятни тезда бошқара олиши мумкин. Ваниҳоят, амнистия тўғрисидаги актларнинг қўлланилиши жиноий суд иш юритуви мақсадларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида амнистия институти тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган. Бунда амнистия тўғрисидаги актни қабул қилиш масаласи процессуал ҳаракатларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ айблов ҳукмини қабул қилиш ёки жиноят ишини тугатишни камраб олади.

Амнистия акти, аслида жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан инсонпарварлик тамойилларини намоён бўлишининг энг юқори шаклидир<sup>14</sup>.

#### **Адабиётлар:**

1. Додонов В. Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть / под общ. ред. С. П. Щербы. — М.: Юрлитинформ, 2009. — 448 с.
2. Мокина М.Н. Амнистия. «Молодой учёный». № 6 (86). Март, 2015 г. С. 499-500
3. Закон Кыргызской Республики. Об основах амнистии и порядке ее применения. от 20 января 2017 года № 7. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111514>.
4. Механизмы обеспечения верховенства права для постконфликтных государств Амнистии. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк и Женева, 2009 год. С.43.
5. Миразов Д.М. Обеспечение и защита конституционных прав личности при воспроизведении обстановки совершения преступления//Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференция материаллари (2002 йил 14 ноябрь). –Т., 2003.– С.215.
6. Мирзажонов К. Амнистия, помилование и уголовно-правовая политика Республики Узбекистан. –Т.: Изд. “Адолат”. 2015.
7. Авдеев С.В. Правая природа акта об амнистии. Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия “Право” 2017 № 1-2 (19).

<sup>13</sup> Осмоловская Н.В. Амнистия и помилование как средства корректирования карательной политики государства. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Тюмень, 2006. С. 9.

<sup>14</sup> Е.Авдеева. Правовая природа помилования: как ее правильно толковать? Статья. 2016. <https://www.advgazeta.ru/mneniya/pravovaya-priroda-pomilovaniya-kak-ee-pravilno-tolkovat/>



8. Гайбердиев Ш. Мустақиллик ва афв. Афвнинг амнистиядан фарқли жиҳатлари. 2018.  
<http://sud.uz/mustaqillik>.
9. Осмоловская Н.В. Амнистия и помилование как средства корректирования карательной политики государства. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Тюмень, 2006.
10. Е.Авдеева. Правовая природа помилования: как ее правильно толковать? Статья. 2016.  
<https://www.advgazeta.ru/mneniya/pravovaya-priroda-pomilovaniya-kak-ee-pravilno-tolkovat/>
11. <https://www.penalreform.org/blog>.
12. <http://newjournal.org/index.php/new/article/download/5851/5613>
13. <https://www.gospodarkainnowacje.pl/index.php/poland/article/download/483/454>
14. [https://scholar.google.ru/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=mc-n9HAAAAAJ&citation\\_for\\_view=mc-n9HAAAAAJ:\\_FxGoFyzp5QC](https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=mc-n9HAAAAAJ&citation_for_view=mc-n9HAAAAAJ:_FxGoFyzp5QC)

